

“ТАСДІКЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси



Д. Муҳаммадназаров

2024 йил “ ___ ” январь

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ҷамоатчилик кенгашининг
2024 йил учун мўлжалланган ИШ РЕЖАСИ

| № | Устувор вазифалар, ўрганиладиган ва муҳокама қилинадиган масалалар ҳамда амалга ошириладиган тадбирлар | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар |
|--|---|--------------|----------------------------------|
| 1. Йил давомида амалга ошириладиган тадбирлар | | | |
| 1. | Вазирлик фаолиятида очиқлик, конунийлик, натижадорлик ва сифатни ўрганиб бориш, раҳбариятга асослантирилган тақлифлар бериш. | Йил давомида | Д. Муҳаммадназаров, Ш. Суюнов |
| 2. | “Каналларни бетонлаштириш бўйича долзарб йил” деб эълон қилиниши муносабати билан жойларда каналларни бетонлаштириш ишлари сифатини ўрганиш, жамоатчиликка ахборот бериш. | Йил давомида | Д. Муҳаммадназаров, Ш. Суюнов |
| 3. | Сув беҳуда йўқотилишининг олдини олиш мақсадида ички ариқларни бетонлаштириш зарурлигини фермерлар, сув истеъмолчилари ва жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиш. | Йил давомида | Д. Муҳаммадназаров, Ш. Суюнов |
| 4. | Сув хўжалиги ва унинг тармоқларини ривожлантиришга оид ҳамда соҳа | Йил | Ш. Суюнов, |

| | | | |
|----|---|--------------|--|
| | тармоқларида ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштиришга доир қонун ва қонунности норматив-ҳуқуқий ва идоравий меъёрий ҳужжатларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, ҳулоса ва тақлифларини бериш. | давомида | Р. Шаропов |
| 5. | Тизимдаги барча ташкилотларда ходимларга ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан мукофот пуллари, ёрдамчи хўжаликларда етиштирилган кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари берилишини ҳудудлар кесими ўрғаниш, таҳлил қилиш ва вазирлик раҳбариятига асослантирилган тақлифлар бериш. | Йил давомида | Д. Муҳаммадназаров, Ш. Суюнов |
| 6. | Вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлимларига, вазирлик тасарруфидagi республика ва тизим ташкилотларининг фаолиятига арағашмаслик принципларига катъий риоя қилган ҳолда Жамоатчилик палатаси ва ҳудудий Жамоатчилик палаталари билан ўзаро яқин ҳамкорликни амалга ошириш. | Йил давомида | Д. Муҳаммадназаров |
| 7. | Қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек, давлат, тармок ва ҳудудий ривожлантириш дастурларида жамоатчилик манфаатлари ва жамоатчилик фикри ҳисобга олинishi, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини химоя қилиш соҳасида қонун ҳужжатлари талаблари ижросини таъминлаш, вазирлик зиммасига юқланган ҳамда ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахл қилувчи вазифалар ва функцияларни бажариш, давлат хизматларини кўрсатиш, ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни рўёбга чиқариш бўйича вазирлик ва унинг мансабдор шахсларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш. | Йил давомида | Д. Муҳаммадназаров, Р. Шаропов |
| 8. | Фуқаролар, ННГлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва блогерларни сўз эркинлиги, фуқароларнинг ахборот олиш ва тарқатиш ҳуқуқини амалга ошириш, ахборот эркинлиги кафолатларини таъминлаш бўйича муҳокамаларга жалб этиш ҳамда мазкур масалаларга оид амалий тақлифлар ишлаб чиқиш. | Йил давомида | Ш. Суюнов, Р. Шаропов, Т. Долиев |
| 9. | Қабул қилинадиган Давлат дастурида вазирликка белгиланадиган вазифалар | Йил | Д. Муҳаммадназаров, |

| | | | |
|--|--|---------------|-----------------------|
| | ижроси жойларда қандай ижро этилаётгани борасида ўрганишлар ўтказиш. Нагижалар хақида матбуот анжумани ва брифинглар ўтказиб, жамоатчиликка | давомида | Ш.Суюнов |
| II. Биринчи ярим йилликда амалга оширилган тадбирлар | | | |
| 10. | Кенгаш йиғилишини ўтказиб, унинг аъзолари ўртасида вазифалар таксимотини ҳамда Кенгашнинг 2024 йил учун Иш режасини тасдиқлаш. | Январь ойида | Л. Мухаммадназаров |
| 11. | Вазирлик фаолиятига оид масалалар юзасидан фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ташаббуслари ҳамда муaroжатларини кўриб чиқишда иштирок этиш, шунингдек, уларни кўриб чиқиш нагижалари бўйича вазирликка тегишли тақлифлар киритиш. | Февраль ойида | Н.Худойбердиев |
| 12. | Кишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ўрганиш, тажриба алмашиш. | Март ойида | |
| 13. | Ислохотлар ва давлат дастурларининг жойларда ва соҳаларда амалга оширилиши устидан жамоатчилик мониторингини ташкиллаштириш, уларни сифатли бажариш учун кўшимча чоралар кўриш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, эришилган кўрсаткичлар, ижобий ўзгаришлар ва мавжуд муаммолар тўғрисидаги ахборотни Сув хўжалиги вазирига мунтазам киритиб бориш. | Апрель ойида | Л. Мухаммадназаров |
| 14. | Вазирлик фаолиятининг очиклигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни мониторинг қилиш, унинг фаолияти тўғрисида батафсил ахборот олиш имкониятларини таҳлил қилиш, тақлифлар ишлаб чиқиш. | Май ойида | Ш.Суюнов, Т.Долиев |
| 15. | Вазирлик фаолияти бўйича фуқаролар ўртасида ўтказиладиган тушунтириш ишлари ва маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш. | Июнь ойида | Х.Лапасов |
| III. Иккинчи ярим йилликда амалга оширилган тадбирлар | | | |
| 16. | Вазирликнинг фуқаролар, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини таҳлил қилиш, шунингдек, ҳамкорликни такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш. | Июль ойида | Ш.Суюнов |
| 17. | Аҳоли фикрини тизимли ўрганиб бориш, жойларда ва сув хўжалиги соҳасида аҳолини, фуқаролик жамияти институтларини ҳамда жамоатчиликни | Август ойида | Ш.Суюнов |

| | | | |
|-----|---|----------------|---------------------------------------|
| | ташвишлангирётган долзарб масалаларни муҳокама қилиш, шунингдек, уларнинг ечими бўйича Сув хўжалиги вазирлига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича таклифлар киритиш. | | |
| 18. | Вазирлик ва унинг тизимидаги ёшлар билан доимий учрашувлар, мулоқотлар ўтказиш, уларнинг таклифларини умумлаштирган ҳолда вазирлик раҳбарлигига олиб чиқиш. | Сентябрь ойида | Н.Худойбердиев |
| 19. | Вазирлик фаолиятида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилган ишлар устидан мониторинг ва таҳлил ўтказиш, шунингдек, уларнинг натижалари бўйича таклифлар тайёрлаш. | Октябрь ойида | Ш.Суюнов, Р.Шаропов |
| 20. | Вазирлик ходимлари ва улар оилаларининг уй-жой, ижтимоий-маиший, хизмат шарт-шароитларини, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш шароитларини, шунингдек, ишдан бўшатилган ёки захирага олинган ходимларни ижтимоий ва касбий мослаштириш бўйича муаммоларни комплекс таҳлил қилиш ҳамда таҳлил яқунлари бўйича мазкур шароитларни яхшилаш юзасидан таклифлар киритиш. | Ноябрь ойида | Л. Мухаммадназаров, Н.Худойбердиев |
| 21. | Аму-Қашқадарё ИТХБ хузуридаги Жамоатчилик кенгаши фаолиятини максималли ўрганиш, натижаларни таҳлил қилиш. | Ноябрь ойида | Л. Мухаммадназаров, Н.Худойбердиев |
| 22. | Вазирлик фаолиятини ислох қилишда фуқаролар иштирок этиши учун яратилган шарт-шароитларни ўрганиш ва уларни яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. | Декабрь ойида | Ш.Суюнов, Р.Умаров |
| 23. | Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига даҳл қилувчи энг муҳим масалалар юзасидан вазирликнинг фаолияти ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли мониторинг қилиш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, социологик сўровлар ўтказиш, жумладан, уларни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказиш. | Декабрь ойида | Ш.Суюнов |